

Аллоҳ барча нарсани билувчидир



14:12 / 06.11.2023 1303

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ азза ва жалланинг Иброҳим ҳақидаги: **«Роббим, албатта, у(санам)лар одамлардан кўпини адаштирди. Бас, ким менга эргашса, у мендандир. Ким менга осий бўлса, албатта, Ўзинг мағфират қилгувчи ва раҳмлисан»** деган сўзини тиловат қилдилар.

Ийсо алайҳиссалом: **«Агар уларни азоблайдиган бўлсанг, бас, албатта, улар Сенинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қиладиган бўлсанг, албатта, Сенинг Ўзинг азиз (ғолиб) ва ҳикматли зотсан»**, деган эдилар.

Шунда у зот икки қўлларини кўтариб туриб: **«Аллоҳим! Умматим! Умматим!»** дедилар ва йиғладилар. Шунда Аллоҳ азза ва жалла: **«Эй Жаброил, Муҳаммаднинг ҳузурига бор. Роббинг билади-ю, аммо ундан «Сени нима йиғлатяпти?» деб сўра»**, деди. Жаброил алайҳиссалом келиб, шу ҳақда сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга сўраган нарсаларининг хабарини бердилар. Ҳолбуки, унинг ўзи ҳам билар эди. Шунда Аллоҳ: **«Эй Жаброил, Муҳаммаднинг ҳузурига бор ва: «Албатта, Биз сени умматинг ҳақида рози қиламиз, сенга ёмонлик қилмаймиз», деб айт»**, деди».

Муслим ривоят қилган.